

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА ФОТИМА АБДУРАХИМОВНА

**ТАЛАБАЛАРГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВОСИТАСИДА КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ
ВА МОДЕЛЛАШТИРИШНИ ЎРГАТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Умарова Фотима Абдурахимовна

Талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида
кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш методикасини
такомиллаштириш 3

Умарова Фотима Абдурахимовна

Усовершенствование методики обучения студентов проектированию и
моделированию одежды посредством информационно-коммуникационных
технологий 23

Umarova Fotima Abdurakhimovna

Improving the methodology of teaching students to design and model clothing
through information and communication technologies 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА ФОТИМА АБДУРАХИМОВНА

**ТАЛАБАЛАРГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВОСИТАСИДА КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ
ВА МОДЕЛЛАШТИРИШНИ ЎРГАТИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Ped2045 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ipitvet.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Муслимов Нарзулла Алиханович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳамидов Жалил Абдурасулович педагогика фанлари доктори, профессор
	Маматов Дилмурод Нормуротович педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори PhD, доцент
Етакчи ташкилот:	Наманган муҳандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 -рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17; факс: (+99871) 246-90-37.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э.Қурбонов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т.Олимов,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида жадал ривожланиш ва глобаллашув даврида таълим тизими олдида бир қатор талаблар юзага келди. Талабаларга билим бериш билангина чекланиб қолмай, уларнинг касбий маҳорати, кўникма ва компетентликларини ривожлантириш ҳамда рақамли технология имкониятларидан фойдалана олиш ва уларни таълим жараёнида, келгусида касбий фаолиятларида қўллашга ўргатиш долзарб аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, меҳнат бозори талабларига кўра, бўлажак мутахассис юзага келган муаммоларга маъсулият билан ёндашиб, танқидий фикрлаш, таҳлил қилиш орқали уларнинг ечимларини топиш кўникмаларига эга бўлиши керак. Бу каби кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш таълим тизимида инновацион ўқитиш усулларини қўллашни ҳамда унга мос таълим методикаларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Жаҳонда таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёнида талабаларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, таълимни инновацион технологиялари асосида лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантириш, ўқитишнинг анъанавий ҳамда замонавий усулларини интеграциялаш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу билан бир қаторда тадқиқотларда таълим сифатини оширишда ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари ва афзалликларини таъкидлаб, “билимлар жамиятини қуришнинг асосий воситаси” сифатида, таълим тизими, уни ташкил этиш жараёнларини қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш имкониятини берадиган механизм сифатида қаралмоқда, бу эса ҳамма учун таълим сифатининг ошишига олиб келади.

Республикамизда замонавий таълим тенденциялари асосида профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилиб, унинг самарадорлигини ошириш орқали малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг методик таъминотини мустаҳкамлаш, уларни янги таълим ресурслари билан таъминлаб бориш имкониятини берадиган алоҳида электрон платформани ишлаб чиқиш ва таълим дастурлари, ўқитиш материаллари ҳамда бошқа услубий қўлланмалардан масофавий тарзда фойдаланиш имкониятини яратиш”^{1,2} муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бунда бўлажак мутахассисларни ахборот технологияларини қўллай олиш компетентликларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж, таълим тизимида таълим-тарбия жараёнига янги интеллектуал таълим ресурсларини жорий этилиши, улардан фойдаланган ҳолда ўқитувчиларнинг дарс бериши ва мутахассислик фанлари бўйича электрон таълим ресурсларини ярата олиши,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон Қарори. - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й.

ўқитувчининг касбий фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтириш муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-637 сон 2020 йил 23 сентябрдаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сонли “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Professional таълимнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари В.П.Беспалько, Р.Х.Джураев, Э.Ф.Зеер, З.К.Исмоилова, И.Я.Лернер, Н.А.Муслимов, М.Б.Урабова, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Таълим жараёнида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиш, таълим самарадорлигини ошириш муаммоси бўйича педагогика фани ва амалиётида кенг қамраб олинган бўлиб, биринчи уринишлар хорижда А.Борк, Р.Вильямс, Дж.Мерредит, Б.Хантерлар томонидан амалга оширилган. Ушбу йўналишда МДХ олимларидан С.И.Архангельский, А.В.Беребердин, В.М.Блинов, Л.П.Грищенко, И.Г.Захарова, А.С.Карпеченко, П.Н.Кузьяев, Э.И.Машбиц, В.Ю.Никишина, И.В.Роберт Г.К.Селевко,

Е.А.Столбникова, Н.Ю.Хлызова, О.М.Чубарян, Л.Б.Эрштейн ва бошқалар тадқиқотларида ўз аксини топган. Республикамиз олимларидан А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Р.Боқиев, С.С.Гуломов, Ф.М.Закирова, М.М.Мамаражабов, Д.Н.Маматов, Х.Х.Некбоев, Қ.Т.Олимов, Н.И.Тайлаков, С.Қ.Турсунов, М.Р.Файзиева, Ж.А.Хамидов, Ж.О.Хақимов ва бошқалар илмий изланишлар олиб борганлар.

Касб-хунар коллежларида умумкасбий ва ихтисослик фанларини самарали ўқитиш ҳамда ишлаб чиқариш таълимини такомиллаштириш муаммолари ва ишлаб чиқаришнинг тикувчилик соҳасида мутахассислар тайёрлашда компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича Қ.М.Абдуллаева, О.А.Абдуқудусов, М.А.Абдукаримова, С.Ю.Ашурова, Л.В.Ведмич, Е.Б.Зароцин, К.А.Зоиров, И.И.Иванова, Н.Н.Каримова, В.А.Масалова, Е.Г.Маслова, Т.В.Озерова, С.Ю.Ражабова, Д.В.Санников, Ш.А.Саидова, Ж.Р.Турматовлар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режалари ҳамда “Касб таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2012-2014 йй.), “ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web-технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш технологиялари” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талабаларда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш компетенциясини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш мазмунини замонавий рақамли инструментлар воситаси асосида такомиллаштиришнинг функционал имкониятларини таҳлил қилиш;

талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишнинг ахборот-коммуникация технология воситаларининг имкониятларидан фойдаланиш методларини аниқлаш;

инновацион рақамли инструментлар воситаси, креатив ва рефлексив ёндашувларни лойиҳалаштириш асосида талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишнинг ташкилий-педагогик моделини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлик даражаларини ташхислашда баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти касб таълими таълим йўналишлари талабаларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш компетенцияларини ривожлантириш мазмуни, методи, шакли ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қўйилган вазифаларни ҳал этиш ҳамда дастлабки маълумотлар ва фаразларни текшириб кўриш учун ўрганилаётган муаммога мос тадқиқот методлари: жамиятни ва педагогик жараёнларни ахборотлаштириш билан боғлиқ бўлган педагогик муаммолар бўйича манбаларни таҳлил қилиш, профессионал таълимнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаштиришга имкон берувчи илмий-методик адабиётларни методологик ва назарий таҳлил этиш; тажриба материалларини таҳлил ва синтез қилиш; кузатиш; сўровномалар ўтказиш; талабаларга кийимларни замонавий дастурлар воситасида лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишни ташхис қилиш; педагогик тажриба-синовдан олинган маълумотларни математик-статистик қайта ишлаш методларидан комплекс тарзда фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишда, табиий-илмий ҳамда умумқасбий ва ихтисослик фанларини мазмунини интеграциялаш асосида замонавий рақамли инструментларни шаклига кўра (педагогик, эстетик, эргономик ва иқтисодий) ва вазифасига кўра (ахборот, ривожлантирувчи ва назорат) функционал имкониятлари такомиллаштирилган;

талабаларга ахборот-коммуникация технология воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишда Research technologies (Case study, Brainstorm, Experiment, Imitation games, Brain ring), Problem education technologies (Problem lecture, Partial research, Heuristic discussion) ва “Project method” инновацион таълим технологиялари, “Trial and error” интерактив методларидан фойдаланиш орқали интерфаол “Valentina” дастурий воситасини таълим жараёнига адекват қўллаш методикаси такомиллаштирилган;

инновацион рақамли инструментлар воситасида, креатив ва рефлексив ёндашувларни лойиҳалаштириш орқали талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни самарали ўргатишнинг ташкилий-педагогик модели интерфаол таълим методлари асосида ишлаб чиқилган “SCADEduWeb” технологиясини жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлиги даражасини ташхислаш жараёнида эксперт баҳолаш методидан фойдаланишда талабалар касбий компетенцияларини баҳолашнинг ташкилий-дидактик омиллари (мотивацион, интеллектуал, амалий ва рефлексив), мезонлари (репродуктив, продуктив, креатив) ҳамда сифат кўрсаткичларини мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш кўникмаларини ривожлантиришда табиий-илмий (“Мухандислик ва компьютер графикаси”,

“Таълимда ахборот технологиялари”) ҳамда умумкасбий (“Амалий антропология”, “Композиция асослари”) ва ихтисослик (“Тикув буюмларини конструкциялаш ва моделлаштириш”, “Костюм дизайни”) фанлари мазмуни такомиллаштирилган, горизонтал ва вертикал интеграция асосида узвийликни ва узлуксизликни таъминлашда инновацион рақамли инструментларни шаклига кўра (педагогик, эстетик, эргономик ва иқтисодий) вазифасига кўра (ахборот, ривожлантирувчи ва назорат) функционал имкониятлари такомиллаштирилган;

талабаларда лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида “Талабаларга кийимларни “Valentina” дастурий воситасида лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш” номли электрон қўлланма яратилиб, унинг самарадорлиги таълим жараёнида синовдан ўтказилган ва амалиётга жорий этилган;

“Тикув буюмларини конструкциялаш ва моделлаштириш” фанидан назарий ҳамда амалий ва лаборатория машғулотларида талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни самарали ўргатиш имконини берувчи инновацион рақамли инструментлар воситасида, креатив ва рефлексив ёндашувларни лойиҳалаштирган ҳолда интерфаол Research technologies, Problem education technologies ва “Project method” инновацион таълим технологиялари, “Trial and error” интерактив методлари ҳамда “SCADEduWeb” муаллифлик технологиясини тадбиқ этиш асосида ўқув-методик таъминот такомиллаштирилган;

талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишнинг такомиллаштирилган ташкилий-педагогик модели замонавий малака талаблари асосида “эксперт баҳолаш методи”дан фойдаланиб яратилган талабалар компетентлигини баҳолаш мезонлари, даражалари ва сифат кўрсаткичлари таълим жараёнига тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишочлилиги республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманлар материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар; тажриба-синов ишлари иштирокчилари танланмасининг репрезентативлиги; тадқиқотнинг назарий экспериментал босқичлардаги фаразларнинг статистик жиҳатдан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касбий муаммоларни ҳал қилишда компьютерда лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш мазмунини замонавий рақамли инструментлар воситасида такомиллаштирилганлиги, талабаларга кийимларни “Valentina” дастурий воситасида лойиҳалаш ва моделлаштиришни самарали ўргатиш имконини берувчи методикаси, модели, унга доир тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган электрон қўлланма, ўқув-услубий тавсиялардан умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда

фойдаланиш, яъни ўқитишнинг замонавий дидактик воситалари, инновацион таълим технологияларидан олий таълим муассасаларида ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда, таълим жараёнларини тизимли-фаолиятли ёндашув асосида ташкил этишнинг илмий-методик таъминоти профессионал таълимни ривожлантиришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот материали, натижалари, хулоса ва тавсиялардан олий таълим тизимида профессионал таълим (касб таълими) йўналишлари мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, шунингдек, янгиланган ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқишда, дарслик ва қўлланмалар яратишда, талабаларга кийимларни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш бўйича чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, такомиллаштириш, инновацион усулда машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш методикасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш мазмунини замонавий рақамли инструментлар воситасида, табиий-илмий (“Мухандислик ва компьютер графикаси”, “Таълимда ахборот технологиялари”) ҳамда умумқасбий (“Амалий антропология”, “Композиция асослари”) ва ихтисослик (“Тикув буюмларини конструкциялаш ва моделлаштириш”, “Костюм дизайни”) фанлари интеграцияси асосида функционал имкониятларини такомиллаштиришга оид таклифлари асосида “Композиция асослари” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган. (Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 12 октябрдаги 02-07-2890/04-сон далолатномаси). Натижада, ахборот коммуникация технологиялари воситасида талабаларга лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш самарадорлиги ошган;

талабаларга ахборот-коммуникация технология воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишда Research technologies (Case study, Brainstorm, Experiment, Imitation games, Brain ring), Problem education technologies (Problem lecture, Partial research, Heuristic discussion) ва “Project method” инновацион таълим технологиялари, “Trial and error” интерактив методларидан фойдаланиш орқали интерфаол “Valentina” дастурий воситасини таълим жараёнига адекват қўллаш методикасини такомиллаштиришга оид таклифлар А-1-141 рақамли “ОТМ педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web-технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 12 октябрдаги 02-07-2890/04-сон далолатномаси). Натижада

“Талабаларга кийимларни Valentina дастурий воситасида лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш” номли электрон қўлланма ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Мазкур электрон қўлланма талабаларда кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришга оид компетентликни ривожлантиришга хизмат қилган;

инновацион рақамли инструментлар воситасида, креатив ва рефлексив ёндашувларни лойиҳалаштириш орқали талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни самарали ўргатишнинг ташкилий-педагогик модели интерфаол таълим методлари асосида ишлаб чиқилган “SCADEduWeb” муаллифлик технологиясини жорий этиш орқали такомиллаштиришга оид таклифлари асосида “Композиция асослари” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган. (Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 12 октябрдаги 02-07-2890/04-сон далолатномаси). Натижада талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш методикасини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва тавсиялар бакалаврият таълим йўналишларининг “Тикув буюмларини конструкциялаш ва моделлаштириш”, “Тикув буюмлари технологияси”, “Композиция асослари” ва “Костюм дизайни” фанларининг дастурлари мазмунига сингдирилган, ўқув-услубий таъминоти Research technologies, Problem education technologies ва “Project method” инновацион таълим технологиялари, “Trial and error” интерактив методлари ҳамда “SCADEduWeb” муаллифлик технологиясини кенг жорий этиш орқали такомиллаштирилиб, таълим жараёнлари самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларнинг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлиги даражасини ташхислаш жараёнида эксперт баҳолаш методидан фойдаланган ҳолда талабалар касбий компетенцияларини баҳолашнинг мотивацион, интеллектуал, амалий ва рефлексив ташкилий-педагогик омиллари, репродуктив, продуктив, креатив мезонлари, паст, ўрта, юқори даражалари ҳамда сифат кўрсаткичларини мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялардан ИТД-1-48 рақамли “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган. (Тошкент давлат педагогика университети 2021 йил 12 октябрдаги 02-07-2890/04-сон далолатномаси). Натижада талабаларнинг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ташхислаш мазмунини бойитиш орқали баҳолаш методикасини такомиллаштиришга ва таълим жараёни самарадорлигини оширишга эришилган ҳамда тавсия этилаётган талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш методикаси самарадорлигини аниқлаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, жумладан 1 та ўқув қўлланма, 2 та методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан, 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг № DGU 03463-сонли, ҳамда № DGU 10528-сонли электрон таълим ресурсларига муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши ёритилган, назарий ва амалий аҳамияти, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларига ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш, касб таълими таълим йўналишлари талабаларини лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантириш муаммоси бўйича республика ва МДХ ҳамда хорижий давлатлар педагог олимлари томонидан ўтказилган илмий изланишлар ва тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Таълим жараёнида АКТ воситаларидан фойдаланиш ўқитувчига дарсларни техник ташкил этиш эвазига янада қулай психологик шароитларни яратиш натижасида ўқув жараёнини оптималлаштириш имконини беради, ўқув дастурининг турли мавзуларини ўрганиш усуллари, шакллари ва суръатларини танлашда ролини кучайтиради, таълимга индивидуал ёндашиш туфайли таълим сифатини яхшилади. Мутахассислик фанларини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш нафақат ўқув самарадорлигини оширади, балки талабаларнинг билим, кўникма ва касбий компетентлигини шаклланишига ҳам имконият яратади; талабаларни мустақил фикрлашга ва ижодкорлик фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Таълимда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг хорижий тажрибалари Буюк Британиянинг “Pearson” халқаро гуруҳи томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган миллий таълим тизимлари самарадорлиги

рейтингида Японияни ҳам ортда қолдирган жаҳон миқёсида эътироф этилган Жанубий Корея таълим тизими, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Хитой, Германия, Италия, Франция, Нидерландия, Сингапур, Малайзия каби 40 дан кўпроқ мамлакатда қабул қилинган. Мутахассислар фикрича, яқин вақт ичида таълим соҳасида “рақамлаштириш” билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар кутилмоқда.

Таълимда ахборот-коммуникация технологияларини мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида тадқиқот ишларини таҳлили асосида, биз томонимиздан касб таълими таълим йўналишлари талабаларининг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантиришда олий таълим муассасалари битирувчилари фойдаланиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур бўлган дастурий маҳсулотларнинг тўрт гуруҳи тавсифланди (1-расм).



1-расм. Кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришда фойдаланиладиган ахборот-коммуникация технологиялари таснифи

Дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда дизайнер-модельерларни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш омиллари сифатида технологияларни тез суръатда ривожланаётганлиги, амалий машғулотлар учун лаборатория ва стендларни ҳар бир ўқув йилида такомиллаштириш талаб этилиши, бунинг учун эса кўшимча сарф-харажатлар қилиш керак

эканлиги, яна бир муҳим омил, баъзи лаборатория тадқиқотларидаги иш ёки жараёнларнинг сустлиги сабабли ажратилган вақт ичида таълим олувчилар такрор таҳлил ёхуд синовлар ўтказишга қийналишлари, ҳолбуки, бу етарлича иш кўникмалари ва тажриба орттириш учун амалий машғулотларни қайта-қайта такрорлаш зарурлиги, бундан ташқари, лаборатория моддий ашёлари тез-тез бузилиши ва шу билан боғлиқ ашёларга ҳар доим ҳам қўшимча сарф харажатлар қилинмаслиги баён қилинди.

Мультимедиядан фойдаланиш кийим дизайни соҳасида мутахассисларни тайёрлашда, айниқса долзарбдир, чунки ўқув жараёнида келажакдаги дизайнер-модельер янги рақобатдош ишланмаларни яратиш ва уни амалга ошириш учун шарт-шароитларни таъминлашнинг ҳақиқий ижодий жараёнига қўшилиши керак. Талабаларни лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантиришда олий таълим муассасалари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ваколатли бакалавр даражасини шакллантириш мақсадида битирувчиларни ўзлаштиришлари зарур бўлган дастурий маҳсулотларни икки гуруҳга ажратди: 1) асосий фойдаланувчи кўникмаларини ўзлаштириш учун зарур бўлган дастурий маҳсулотлар; 2) профессионал (ёки ихтисослашган) дастурий маҳсулотлар.

Диссертациянинг **“Талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантиришда дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари”** деб номланган иккинчи бобида касб таълими таълим йўналишлари талабаларининг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик тамойиллари, шакл, метод ва воситалари очиқ берилган.

Кийимларни анъанавий равишда лойиҳалаш, яъни махсус катта қоғозларда буюм асос андозаларини ҳар бир қомат, фасон учун алоҳида яратиш ва уларни моделлаштириш ҳамда бичишда хитой (калка) қоғозига кўчириш орқали андозалар яратиш ёки замонавий компьютер дастурларида лойиҳалашни афзалликларини қиёсий таҳлил қилинди.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш дунёсини лойиҳалашнинг автоматлашган тизимсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундан кўринадики, компьютер дастурларида кийимларни лойиҳалаш сезиларли даражада мутахассисларни касбий фаолиятини энгиллаштириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Тадқиқотимиз доирасида ишлаб чиқариш саноатида қўлланиладиган ҳамда таълим жараёнига ва педагогика университетлари шароитига мослашиш учун етарлича қулай бўлган замонавий автоматлаштирилган лойиҳалаш дастурларини қиёсий таҳлил қилинганда ҳисоб-китобдаги аниқлилик, вақт тежамкорлиги ва самарадорликнинг юқори бўлиши каби авзалликлари кўринди. Натижасида таълим жараёни учун ҳам, ишлаб чиқариш корхоналари учун ҳам мақбул бўлган “Valentina” дастури ҳар томонлама қулайлиги, фойдаланиш осонлиги, барча лойиҳалаш имкониятларига эга бўлганлиги, унда параметрик андоза яратиш имконияти

мавжуд эканлиги ва энг муҳими дастурни юклаб олиш, дастур интерфейси, имкониятлари батафсил ёритиб берилди.

Компьютердан замонавий ўқитиш воситаси сифатида фойдаланиш талабаларнинг янги билимларни олишга бўлган қизиқишини кучайтиради ва рағбатлантиради, ақлий фаолиятини фаоллаштиради, ижодкорлик ва ижодий-конструктив кўникмаларни, лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожланишига янги имкониятлар яратади. Кийим дизайнини ўқитишда компьютер ёрдамида лойиҳалаштириш тизимидан фойдаланиш самарадорлиги нафақат ўқув жараёнининг кучайиши ва чуқурроқ профессионал билим ва кўникмаларга эга мутахассисни тайёрлаш қобилиятида, балки талабаларнинг қизиқишини уйғотадиган ва мотивациясини оширадиган янги замонавий шакл ва услубларни амалга оширишда намоён бўлади.



2-расм. Кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришда фанлар мазмунининг интеграция тузилмаси

Талабаларни компьютер саводхонлиги доимий равишда ва бир вақтнинг ўзида параллель равишда турли йўналишларда “Информатика”, “Ахборот технологиялари”, “Таълимда ахборот технологиялари” фанлари орқали; махсус фанлар ўқитувчилари томонидан “Информатика” фани билан интеграциялашган тарзда ва шахсий компьютердан мустақил фойдаланиш орқали; ўқитишнинг юқори даражасида (“Компьютер графикаси” ва “Лойиҳалашнинг автоматлашган тизимларида компьютер моделлаштириш” махсус фанлари орқали); мустақил таълим ва талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш (“Талабаларга кийимларни Valentina дастурий воситасида лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш” номли электрон дарслик) орқали амалга оширилади ва ушбу фанларни ўзлаштириш жараёнида компьютер технологияларининг ёрдамида муаммоларни ҳал

қилишнинг асосий босқичлари, маълумот тўплаш, ишлов бериш, сақлаш, узатиш усуллари ва воситалари, шунингдек, умумқасбий ва ихтисослик фанлари босқичларининг кейинги фанларини ўрганиш ҳамда профессионал функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш имконияти тўғрисида билимлар шаклланади.

Тадқиқот жараёнида биз томонимиздан табиий-илмий ҳамда умумқасбий ва ихтисослик фанлари горизонтал ва вертикал интеграцияси асосида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантиришнинг функционал имкониятлари тузилмаси ишлаб чиқилди (2-расм).

Талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ривожлантирувчи асосий иккита: тайёргарлик ва амалий фаолият босқичларидан иборат эканлиги аниқланди. Амалий фаолият босқичи, ўз навбатида, тўрт босқичдан иборат (3-расм).



3-расм. Талабаларда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантириш босқичлари

Ўқитиш усуллари қуйидаги функцияларни бажариш учун мўлжалланган: ўқитувчи, тарбияловчи, ривожлантирувчи, ташкил қилувчи ва фаоллаштирувчи. Ушбу ҳолатлар мажмуасига таянган ҳолда, Valentina дастурида талабаларни компьютерда лойиҳалаш ва моделлаштиришга ўргатишда қуйидаги усуллардан фойдаландик:

1) изоҳли-кўргазмали усули, бу асосан билим бериш ва хотирани машқ қилдиришдан иборатдир. Маъруза машғулотида “Valentina” дастури имкониятлари принциплари билан таништиришда, амалий машғулотларда эса тизимнинг дастурий таъминотларини ўзлаштиришда қўлланилади;

2) репродуктив усул, бу амалий фаолиятда кўникмаларни эгаллаш ва ишончли натижаларга эришиш учун қандайдир ҳаракатларни кўп марта такрорлашдан иборат. Амалий ва лаборатория машғулотлари давомида самарали фойдаланилади;

3) муаммоли усул, бунда талаба ўқув материалнинг мазмун ва ҳажмини “фаол ўзлаштириши” тушунилади. Амалий ва лаборатория машғулотларида самарали қўлланилади;

4) қисман изланувчанлик ёки эвристик усули, илмий изланишларнинг муайян босқичларида иштирок этишни назарда тутади. Амалий машғулотларида ва курс лойиҳалари устида ишлаш вақтида ўқув-конструкторлик фаолиятларини фаоллаштиради;

5) креатив усули, бунда талабалар аста-секин илмий ишларга жалб этилади, илмий-тадқиқотнинг тамойиллари ва усулларини англайди. Мустақил ишларда ва битирув малакавий ишларида самарали фойдаланилади.

Тадқиқот ишимизда мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий инновацион рақамли инструментлар воситасида, креатив ва рефлексив ёндашувларни лойиҳалаштиришдан фойдаланган ҳолда, профессионал таълим ўқитувчисига қўйилган замонавий талаблар таҳлили асосида, касб таълими йўналиши талабаларининг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетенлигини ривожлантириш модели батафсил ёритилган. (4-расм)


Ишлаб чиқилган модел асосида талабаларга кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни самарали ўргатиш имконини берувчи интерфаол таълим методлари асосида муаллифлик “SCADEduWeb” технологияси, лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантиришда “Valentina” дастуридан фойдаланиш методикаси батафсил ёритилган.

Талабаларни лойиҳалаш ва моделлаштиришга ўргатиш моделининг асосий компоненти таълим мазмунини, воситалари, шакли ва инновацион таълим методи ҳисобланади. Тадқиқотимизда таълим методлари – педагогика ва дизайн соҳасидаги таълим мазмунини ўзлаштириш; билим, кўникма ва компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятидир. Шунини таъкидлаш жоизки, методларни танлаш таълим мақсади; талабаларнинг тайёргарлик даражаси; таълим жараёнининг моддий таъминоти; ўқитувчининг назарий, амалий тайёргарлик ва малакаси даражасига боғлиқ.

Талабаларнинг лойиҳалаш ва моделлаштириш компетентлигини ривожлантириш ва таълим самарадорлигига эришиш мақсадида тадқиқотларимиз натижасида ишлаб чиқилган “SCADEduWeb” муаллифлик технологияси таклиф этилди. Ушбу технология 5 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқичи янги билим, кўникма ва компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилади:

Science – (илм-фан) XXI асрнинг сўнгги янгиликларидан фойдаланган ҳолда фан янгиликларини ўргатади;

Creative thinking – (креатив (ижодий) фикрлаш) танқидий ва ижодий фикрлаш вазифаларини бажаради, муаммоларни ҳал қилишни янги усулларини ишлаб чиқишни ўргатади;



4-расм. Талабаларга ахборот-коммуникация технологиялари воситаида кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштиришни ўргатиш модели

Art – (санъат) яратишни, ижод қилишни, ғоялар асосида эскизлар ишлаб чиқишни ўргатади;

Design engineering – (дизайн муҳандислиги) ижодкорликни муҳандислик билимлари билан бирлаштиришга имкон беради ва ғояларни реал маҳсулотларга айлантиради. Ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун янги маҳсулотлар ва тизимлар учун ғояларни ўрганади, тадқиқ қилади ва ишлаб чиқаради. Шунингдек, самарадорликни ёки унумдорликни ошириш учун мавжуд маҳсулотлар ёки жараёнларни ўзгартиришни ўргатади;

Education Web 2.0 – (таълим web 2.0.) жамoa билан ишлашни, интернетдаги матн, овозли хабарлар, видеолар ва турли хил ахборот манбаларини олиш, қайта ишлаш ва жойлаштириш имкониятларини яратиб беради. Фойдаланувчиларга интернет орқали оммавий алоқанинг бир шакли сифатида фойдаланишни ва виртуал жамoалар, тармоқлар орқали маълумотлар, ғоялар, қизиқишлар ва бошқа ифода шакллари яратиш, алмашишни осонлаштиради.

